



Шавкат МИРЗИЁЕВ:

Марказий Осиё энди тарихнинг четида эмас, балки ўз стратегик кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди.

21asr.uz @XXIasr_yangiliklari asrgazetasi XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК



БИТТА МУШТ БЎЛСАК...

Қадим Хўжанд шаҳрида бўлиб ўтган дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига бағишланган олий даражадаги саммит нафақат шу минтақанинг келажақдаги тараққиёти учун, балки Осиё китъаси учун ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Бу йилги баҳорнинг гашти, шукуҳи, таровати ўзгача кечяпти. Улуғ рўза ойида дунёнинг неча юзлаб нуқталари (Мағрибу Машрикда ҳам)да нишонланган Наврўзи олам – Йилбоши тантаналари тугар-туғамас муборак Рамазон ҳайити бошланиб кетди. Айни ўша фараҳбахш кунларда, яъни 31 март куни ён қўшни-жон қўшнимиз бўлмиш Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида

уч томонлама саммит доирасида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари раҳбарлари иштирокида маданий, сиёсий, иқтисодий масалаларга бағишланган нуфузли анжуман бўлиб ўтди.

Тасаввур қилинг, яқин ўн йилча бурун олис минтақаларни қўяверинг, неча минг йиллар давомида оғанини, қардош-қариндош, куда-анда бўлиб яшаб келган халқлар ўртасида худди кечагидек давлатлараро учрашув ўтказилиши кимнинг тушига кирувди? Бетон тўсиқлар, миналаштирилган чегаралар, еру сув талашиш ортидан чиққан низолар, алалоқибат беғуноҳ инсонларнинг қурбон бўлгани, элчихоналардаги ур-йиқит, тақику таъқиблар... қай бирини эслайлик, уларнинг бари бугун эртатка айланди!

3

Бирлашгани ўзар дейди...

Зулфия БОБОЕВА

Кўҳна тарих янгилансин, озод тақдир,
Бирга бўлинг четда турган ёлғизларим.
Бир-бирига ярашганим, илдири бир,
Ўзбегимсиз, тожигимсиз, қирғизларим!
Кечирмайди замон энди султигимиз,
Дўстлигимиз боқий бўлсин, дўстлигимиз!

Унутилсин арзимаган гина, кинлар,
Қон томгани етар ахир ярамиздан.
Навоий ҳам, Жомий руҳи шодлансинлар,
Чингиз оға рози кетсин ҳаммамиздан!
Кечирмайди замон энди султигимиз,
Дўстлигимиз боқий бўлсин, дўстлигимиз!

Бузиб ташланг, не даркор бу “бўш” сарҳадлар,
Олқишласин озодликни ҳар бир юрак.
Салом-алик, куда-анда, маслаҳатлар,
Бир-бирига қўшни оши, йўқлов керак!
Кечирмайди замон энди султигимиз,
Дўстлигимиз боқий бўлсин, дўстлигимиз!

Яшаб кўрдик не ўйлов, не андишада,
Сўз айтишга ҳақиқатдан бордир ҳаққим.
Бўлингани бўри ейди ҳар гўшада,
Бирлашгани ўзар дейди доно халқим –
Кечирмайди замон энди султигимиз,
Дўстлигимиз боқий бўлсин, дўстлигимиз!

Кўҳна тарих янгилансин, озод тақдир,
Бирга бўлинг четда турган ёлғизларим!
Бир-бирига ярашганим, илдири бир
Ўзбегимсиз, тожигимсиз, қирғизларим.
Кечирмайди замон энди султигимиз,
Дўстлигимиз боқий бўлсин, дўстлигимиз!

Тожикистон Республикаси


ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

БАРҚАРОР ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАК САРИ



О'zLiDeP ВА ХКП ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хитой давлатлараро муносабатларнинг турли соҳаларида самарали ҳамкорликни изчил давом эттирмоқда. Икки давлат ўртасида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий масалалар, жумладан, инновациялар, яшил энергия, экология, инсон ресурсларини ривожлантириш, илмий тадқиқотлар ва бошқа йўналишларда кўплаб келишувлар мавжуд.



2

Марказий Осиё глобал имкониятлар бўсағасида

Бугунги кунда Марказий Осиё нафақат энергия ресурсларини етказиб берувчи стратегик ҳудуд, балки “яшил” энергетика ва экологик барқарорлик йўналишида ҳам етакчи минтақалардан бирига айланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Euronews” телеканалига берган интервьюсида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва қўшни давлатлар қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, углерод чиқиндиларини қисқартириш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида улкан режаларни амалга оширмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари иштирокида амалга оширилаётган Каспий ва Қора денгиз орқали Европага “яшил стратегик йўлак” барпо этиш лойиҳасида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ўзаро манфаатли энергетик боғлиқликнинг мустаҳкам асосини яратди.

Қайта тикланувчи энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш учун муҳим институционал платформа сифатида Тоза энергетика бўйича Марказий Осиё – ЕИ шериклигини ташкил этиш мумкин. Бу водород ҳамда аммиак каби “яшил” ёқилғи, шунингдек, биоёқилғи ишлаб чиқариш ва қазилма ёқилғи ўрнига улардан кенг фойдаланиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради.

Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақадаги бошқа давлатлар қайта тикланувчи энергетика салоҳиятини фаол кенгайтирмоқда. “Яшил” энергетика ва иқлим соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Марказий Осиёда “углерод кредитлари” бозорини ривожлантиришга хизмат қилади. Бу механизм корхоналарга экологик тоза технологияларга инвестициялар жалб қилиш имконини беради, шунингдек, углерод квоталари савдоси соҳасида халқаро ҳамкорлик платформасига айланади.

Масалан, фаолият юритаётган 14 та янги қуёш ва шамол электр станцияларига қўшимча равишда умумий қуввати 24 минг мегаватт бўлган 50 дан ортиқ шундай лойиҳани амалга ошириш режамиз бор, деди юртбошимиз.

Яқин беш йилда қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 54 фоизга етказишни режалаштирган. Бу иссиқхона газлари чиқишини қарийб 16 миллион тоннага қисқартиради ва Ўзбекистон Париж келишуви доирасида



Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

иссиқхона газлари чиқиндисини 35 фоизга камайтириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради.

Шунингдек, давлат раҳбари ўз интервьюсида Оролбўйи ҳудудини кўкаламзорлаштириш бўйича кенг кўламли дастур – “Марказий Осиёнинг яшил белбоғи” лойиҳасига тўхталиб ўтди. Бу борада Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш учун улкан салоҳият мавжуд. Ўтган йили минтақамизда биринчи “Яшил” университетни очилгани, бу таълим маскани қўшма тадқиқотлар ўтказиш ва инновацияларни жорий этиш учун самарали тажриба майдони бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

“Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” саммити минтақамизнинг глобал энергетика бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва экологик барқарорликка қаратилган ташаббусларни амалга оширишда янги имкониятлар яратиши шубҳасиз. Биз, депутатлар, бу жараёнларни қонунчилик ва институционал ислохотлар орқали қўллаб-қувватлашга, Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиётга утишини рағбатлантирувчи ташаббусларни илгари суришга тайёرمىз.

Қарама-қаршилиқ ва можаролар кучайиб бораётган бир пайтда юртимизда турли халқлар манфаатларини ҳурмат қилиш ва кадр-қимматини улуғлаш олий кадрият сифатида эътироф этилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: “Замонавий таҳдидларни фақатгина мулоқот воситасида, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилиш, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий амал қилиш орқали енгиб ўтиш ҳамда айнан шу йўл билан дунё ҳамжамиятининг демократик тараққиёт йўлидан оғишмай қадам ташлашига эришиш мумкин”.

тиборли жиҳати, жаҳондаги 190 га яқин парламентни бирлаштирган ушбу нуфузли тузилма ўзининг юқори органи – ассамблеяни парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси мавжуд бўлган мамлакатлардагина ўтказди. Бу борада Президентимизнинг шу йил 17 январдаги “Тошкент шаҳрида Парламентлараро иттифокнинг 150-юбилей ассамблеясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тасдиқланиб, мазкур тадбирни юқори савияда ўтказиш қайд этилган. Бу борада Олий Мажлис Сенатида ҳам алоҳида чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, ассамблеяни ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё минтақасида парламент йўналишидаги бундай нуфузли тадбирнинг илк бор ўтказилиши ўзига хос тарихий воқеалиқдир. Буни Ўзбекистон парламентининг барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишдаги фаол иштироки, норматив-ҳуқуқий базани халқаро стандартларига мос равишда такомиллаштирилиши, парламент

ТАРИХИЙ МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг таклифига асосан жорий йилнинг 5-9 апрель кунлари Парламентлараро иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси Ўзбекистонда бўлиб ўтиши моҳиятида ҳам юксак бағрикенглик, ҳамжиҳатлик мақсади мужассам эканлигини англаш қийин эмас. Зеро, Парламентлараро иттифок дунё мамлакатларининг қонун чиқарувчи органлари учун глобал мулоқот майдони ҳисобланиб, унинг доирасида муҳокама қилинган масалалар жаҳон ҳамжамияти эътиборига тақдим этилади. Ташкилотга аъзо парламентлар ва уларнинг депутатлари ўртасида юксак кадриятлар илгари сурилиб, барча миллатлар орасида ўзаро ҳамкорлик ва мулоқот рағбатлантирилмоқда. Асосийси тинч ва ҳамжиҳат келажақни таъминлаш учун самарали қарорлар қабул қилинади. Унинг доирасида муҳокама қилинган масалалар жаҳон ҳамжамияти эътиборига тақдим этилади. Парламентлараро алоқаларни рағбатлантириш, халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида биргаликда фаолият кўрсатиш учун уларни бирлаштириш мазкур ташкилотнинг асосий вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда айни ташкилотнинг нуфузи дунё миқёсида ортиб бормоқда. Маълумки, Ўзбекистон бу иттифокқа 1992 йилда аъзо бўлган. 2017 йил 13 октябрдан мазкур ташкилотдаги аъзолигини қайта тиклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Парламентлараро иттифок билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган қисқа муддат ичида Ўзбекистон мазкур иттифокнинг ажралмас қисмига айлангани, ҳамкорликда Бухоро шаҳрида Барқарор ривожланиш мақсадларига бағишланган Халқаро парламент форуми ҳамда Тошкент шаҳрида Парламентлараро иттифокқа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарлари 14-саммитининг муваффақиятли ўтказилганини алоҳида эътироф этиш лозим.

Швейцариянинг Женева шаҳрида Парламентлараро иттифок бош котиби Мартин Чунгонг ва Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева ўртасида ташкилотнинг 150-юбилей ассамблеясини 2025 йилда Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги битим имзоланган эди. Эъ

даражасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва гендер тенглиги масалаларини илгари суриш, ёшлар парламенти доирасида ёшларни қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жалб этилиши билан изоҳлаш мумкин.

Ассамблеянинг бош мавзуси “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деб номланиб, унда бутун дунё парламентлари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўз тажрибалари билан ўртоқлашишади. Бир ҳафта давомида Парламентлараро иттифокнинг қўмиталари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан ва технология, ёшлар масалаларига бағишланган тадбирлар ташкил этилади. Ассамблея доирасида “Фаластинда икки давлат ташкил этишни ҳал этишда парламентлар ролини илгари суриш тўғрисида”ги ва “Барқарор ривожланишга можароларнинг, шу жумладан, қуруллой тўқнашувларнинг таъсирини юмшатиш бўйича парламентлар стратегиялари тўғрисида”ги резолюцияларни қабул қилиш ҳам кўзда тутилмоқда. Яқунда эса Тошкент декларацияси ҳам қабул қилиниши кутилмоқда.

Бугунги кунда ассамблеяда иштирок этиш учун 123 та мамлакатдан 1 808 нафар парламент вакили, 43 та халқаро ташкилотдан 100 нафарга яқин делегация аъзоси расмий рўйхатдан ўтди. Эътироф этиш керакки, ассамблеянинг мамлакатимизда ўтказилиши Ўзбекистон парламенти фаолияти билан танишиш, 2030 йилгача бўлган стратегияни амалга ошириш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, инсон ҳуқуқлари, иқлим ўзгаришига қарши курашда парламентлар ҳамкорлигини кўриб чиқиш имкониятини кенгайтиради.

Жамила БОБАНАЗАРОВА,
Олий Мажлис Сенати
Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий
алоқалар, хорижий инвестициялар ва
туризм қўмитаси аъзоси

Халқаро ҳамжамият ишончи ва эътирофи

Марказий Осиё минтақасида илк маротаба 2025 йил 5-9 апрель кунлари Парламентлараро иттифокнинг 150-юбилей ассамблеяси Ўзбекистонда ўтказилади.

Халқаро парламент дипломатияси, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги соҳасидаги муҳим тадбир ҳисобланган мазкур ассамблеянинг мамлакатимизда ўтаётгани Президентимизнинг ички ва ташқи сиёсати стратегиясига ҳамда амалга оширилаётган туб ислохотлар самарасига бўлган халқаро ҳамжамиятнинг юксак ишончи ва эътирофи намунасиدير.



Маъруфжон РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

Жаҳон парламентларининг энг нуфузли ташкилоти бўлиши Парламентлараро иттифок ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши, аввало, миллий парламентимиз – Олий Мажлисининг халқаро обрўси тобора ортиб бораётганидан ташқари ўзбек парламент дипломатияси амалий ҳаракатга айланаётганини исботламоқда. Шунингдек, қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва бошқа йўналишларда ҳам миллий тажрибамиз дунё ҳамжамияти, хориж парламентарийлари ва жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётганидан далолат бермоқда.

Аёнки, 190 га яқин миллий парламентларни

бирлаштирган Парламентлараро иттифок ассамблеяси амалиётига кўра, бундай тадбирлар фақат парламентаризм ва барқарор ривожланишнинг ижобий тажрибаси юқори бўлган мамлакатлардагина уюштирилади. Ушбу ассамблея аслида дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак ҳам катта сиёсий майдон ҳисобланади. Демак, бу мулоқот мамлакатимизда “Ўзбекистон – 2030” ва бошқа стратегик дастурлар доирасида изчил олиб борилаётган ислохотлар ва унинг самараларини халқаро жамоатчиликка етказиш учун ҳам қўлай имконият яратди.



O'zLiDeP ва ХКП ўртасида МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Таъкидлаш жоизки, ХКП томонидан Ўзбекистонга киритилган сармоя 25 миллиард долларга етди, бу эса мамлакат иқтисодиётига ишонч тобора ортиб бораётгани ва республикамиз Марказий Осиёдаги асосий стратегик шерик сифатида тан олинаётганидан далолат беради. Ушбу келишувлар ва инвестициялар нафақат иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлайди, балки Ўзбекистонга юртимизнинг узок муддатли барқарор иқтисодий ривожланиш мақсадларига мос келадиган ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилмаси ва транспорт йўлакларини модернизация қилиш имконини яратди.

Тан олиш керакки, йил сайин мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларининг тобора кучайишига икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги юқори даражадаги учрашувлар тўғрисида эришилди. Масалан, ўтган йилнинг 24 январда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Хитой раҳбари Си Цзиньпин барча соҳаларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги bosқичда ривожлантиришга қарор қилишди. Ҳамкорликнинг барча йўна-

лишларини кенгайтириш бўйича юксак даражадаги келишувлар ижроси доирасида Ўзбекистонга Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси аъзоси, ХКП Марказий қўмитаси Халқаро бўлим бошлиғи Лю Цзяньчао ташриф буюрди.

Шу муносабат билан О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хайтов Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси аъзоси, ХКП Марказий қўмитаси Халқаро бўлим бошлиғи Лю Цзяньчао билан учрашув ўтказди. Меҳмонлар сафида Хитойнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юй Цаун ҳам бор эди. Хитойлик меҳмонларга О'zLiDeP фаолияти, партиянинг мамлакатни ислох қилиш жараёни ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ижросидаги роли ҳақида атрофлича маълумот берилди. Ўз навбатида, О'zLiDeP вакиллари ҳам ХКПнинг давлатлараро дўстона муносабатларни йўлга қўйиш борасидаги ишлари билан таништирилди.

Қизгин кечган суҳбат чоғида ХКП вакилининг ушбу ташрифи партиялар ўртасидаги ҳамкорликни муваффақиятли ривожлантиришнинг муҳим кўрсаткичи экани қайд этилди. Таъкидлаш жоизки, О'zLiDeP ва ХКП ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам асосга эга.

Масалан, партиямиз делегацияси ушбу сиёсий кучнинг “ХКП ва хорижий мамлакатлар сиёсий партиялари ўртасида юқори даражадаги мулоқот”, “Кучли сиёсий партияни қуриш: муаммо ва истиқболлар” мавзусидаги форумлар, “Хитой-Марказий Осиё” сиёсий партиялар мулоқоти ва бошқа тадбирларда иштирок этган.

Учрашувда О'zLiDeP ва ХКП ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ушбу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларининг таркибий қисми экани айтилди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва “Бир макон, бир йул” ташаббусида белгиланган вазифалар ижроси, партиялар, жумладан, ёшлар ва аёллар қанотлари ўртасидаги мулоқот, партия нашрлари, минтақавий бўлинмалар ва бошқа тузилмалар ўртасидаги алоқаларни тобора кенгайтириш бўйича ҳамкорлик масалалари устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

Тадбир якунида ушбу меморандумнинг имзоланиши иккала томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

О'zLiDeP матбуот хизмати



ЖАРАЁН

БИТТА МУШТ БЎЛСАК...

◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

Ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди: Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайланганидан сўнг, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ўзгариб, анчадан бери “эримаётган музлар” бир зумдаёқ эрий бошлагани, ёпилган чегара постлари очилгач, тантаналар бошланиб кетгани ва неча йилларки, дийдорлашмаган жигаргўшаларнинг бир-бирини кучоқлаб йиғлаганлари... эҳ-е, у кунлар энди ортда қолгани, илоҳим, рост бўлсин!

Хўжанд шаҳрида ўтказилган уч томонлама саммитга “олий даражада” деган мақомнинг берилиши бежизмас. Энг ҳайратланарлиси, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг икки давлат етакчисини аэропортда қандай юксак даражада кутиб олгани акс этган видеолавҳалар бутун дунё аҳлини суюнтирди, десак, муболаға бўлмайди.

Тадбирлар дастурини яна бир бор кузатамиз:

Сўхбат аввалида етакчилар баҳор айёми Наврўз ва муборак Рамазон ҳайити муносабати билан бир-бирларини самимий кутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

Кун тартибига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров уч мамлакат давлат чегаралари туташган ҳудудда Дустлик стеласини тантанали равишда очдилар.

Хўжанд шаҳридаги саммитнинг маданий дастури доирасида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари Хўжанд қалъасига ташриф буюриб, унинг тарихи билан танишдилар.

Давлат раҳбарлари уч мамлакатнинг ҳунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва миллий таомлари кўргазмасини кўздан кечиришиб, бадий чикшиларни томоша қилдилар.

Президентимиз Тожикистон ва Қирғизистон томонларини барча масалалар узил-кесил ҳал этилган ҳамда Давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзолангани билан самимий табриклади.

Ушбу ҳужжат, шунингдек, уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нўқтаси тўғрисида имзоланаётган шартнома барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга, бутун минтақанинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳузурида ташқи сиёсат идоралари раҳбарла-

ри Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ҳақидаги баёномани имзоладилар ва ратификация ёрлиқларини алмашдилар.

Шартнома ўтган йили 18 апрель кунин Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама саммитда имзоланган эди.

Ҳужжат ратификация ёрлиқлари алмашилган кундан эътиборан кучга қиради.

Шунингдек, саммит доирасида энергетика ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги йирик минтақавий лойиҳаларни, шу жумладан “Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон” темир йўли қурилишини жадаллаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров

ров уч мамлакат маданият ва санъат усталарининг концертида қатнашдилар.

Расмий ва норасмий тадбирларни санасак, адоғига етолмаймиз. Айниқса, учта халқ вакиллари иштирокидаги маданий-маърифий урф-одатлар акс этган сайил-томошалар ижтимоий тармоқларда кенг ёритилди, чин юракдан самимий кутиб олинди. Нега десангиз ҳақиқий қардошлик кўпригини биринчи навбатда шу давлатларда яшаётган халқ вакиллари мустаҳкамлайди. Миллий қадриятларгина ҳар бир халқнинг бой тарихини ўзида акс эттиради, бутун анъана ва маданий меросини намоён этади. Шу маънода Хўжанд саммити шу ҳудудда яшаётган халқлар ўртасида қурилаётган маънавий кўприкнинг янада мустаҳкам бўлмоғи йўлида ташланган энг муҳим қадамлардан бири бўлди дейиш мумкин.

Албатта, уч давлат раҳбарларининг қўшма учрашуви тафсилотлари турлича талқин қилинаётгани шубҳасиз. Чунки шу вақтгача узокни кўролмайдиган айрим сиёсий доираларга минтақадаги бешта давлатнинг кечиктириб бўлмайдиган бир қатор долзарб масалалар бўйича ўзаро ҳамкорликда аҳил ва иноқ бўлиб бамаслаҳат иш кўришаёт-

гани ёқмаслиги аён. Лекин этни тирноқдан, оғани инидан, кудани андадан ажратиб бўлармикан? Асло мумкин эмас!

Шахсан ўзим ҳам шу вақтгача уч марта Тожикистонга бориб келдим. Худди ана шу кўҳна Хўжанддаги тарихий жойларни ҳам зиёрат қилдик, осмонўпар доvonлардан ўтиб, пойтахт Душанбега, кейин эса хув Роғун ГЭСига қадамларимиз етди. Ўзгариш ва янгиланишлар жуда катта, энг муҳими, оддий одамларнинг давлатлараро дўстлик, борди-келдилар ривож топаётганидан боши осмонда.

Оддий ҳақиқат эса битта: бизларни Яратгanning ўзи ёнма-ён, кўни-қўшни, биродар, қардош қилиб қўйибди. Шунча йил айроликда, қўрқув ва ҳадиқда бирлаша олмай яшаб келганимиз етар ахир. Энди фақат ва фақат бирлашсак, битта мушт бўлсаккина ҳар қандай муаммога ечим топа оламиз. Насиб этса, учта узилмас халқ – уч давлат раҳбарлари иштирокида ўтказилган тарихий ва олий даражадаги учрашув давраси янада кенгайиб бораверади!

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

БАРҚАРОР ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАК САРИ

БУГУН ВА ЭРТАГА ҚАДИМ САМАРҚАНДДА “МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИ” БИРИНЧИ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ “ЕВРОNEWS”ТА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИДА ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, УШБУ САММИТ МИНТАҚАМИЗНИ НАФАҚАТ БАРҚАРОР, БАЛКИ ФАРОВОН ҚИЛИШ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИАТ ДЕЯ БАҲОЛАНИШИ ДАРКОР.

Жаҳоннинг сиёсий манзараси шиддат билан ўзгариб бормоқда: геосиёсий беқарорлик, иқтисодий хатарларнинг ўсиши, иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммолар халқаро ҳамкорликнинг янги форматлари шаклланишини тақозо қилмоқда. Айни шу нуқтаи назардан Самарқанд саммити минтақалар ўртасидаги муносабатларда бурилиш нуқтаси бўлиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” формати ноёб ҳамкорлик платформаси бўлиб, ўлчам ва институционал қамров жиҳатидан унга ўхшаши мавжуд эмас. 27 давлатни, жумладан “Катта еттилик”ка аъзо учта мамлакат (Германия, Франция ва Италия)ни бирлаштирган Европа Иттифоқи Марказий Осиё билан минтақалараро даражада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйган энг йирик интеграцион тузилма ҳисобланади. Икки минтақа орасидаги ҳамкорлик иқтисодиёт ва инвестициядан тортиб барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва рақамли трансформациягача бўлган соҳаларнинг кенг мажмуасини қамраб олади ҳамда узок муддатли стратегик устувор йўналишларга асосланади.

Марказий Осиё энди тарихнинг четида эмас, балки ўз стратегик кун тартибини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди. Кейинги йилларда Марказий Осиёга дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарларининг ташрифлари анча фооллашди. Ўзбекистон Италия ва Франция билан стратегик шериклик ўрнатди. Германия ва Марказий Осиё мамлакатлари стратегик шерикларга айланди. Охири етти йилда минтақамизнинг ЕИ билан савдо айланмаси тўрт баробар ошиб, 54 миллиард еврони ташкил этди.

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳам кучайиб бормоқда. 2024 йили товар айирбошлаш ҳажми 6,4 миллиард долларга етди, бу ўтган йилга



нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Мамлакатимизда Европа капитали иштирокидаги мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, инвестиция лойиҳалари ҳажми эса 30 миллиард еврони ташкил этмоқда. Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзолалиши савдо-инвестиция алоқаларини янада чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очиди шубҳасиз.

Мамлакатларимиз ЕИ бозорига юқори сифатли, экологик тоза ва Европа стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни кўпроқ ет-

казиб беришга тайёр. Бугунги кунда самарали транспорт-логистика йўлақларини ривожлантириш аҳамияти ортиб бормоқда ва Марказий Осиё Европа билан Осиё ўртасидаги шунчаки “кўприк” эмас, балки глобал иқтисодий жа-

ларини барқарор етказиб беришни таъминлай оладиган, балки углеродни қисқартириш бўйича глобал жараёнга ҳам катта ҳисса қўша оладиган ишончли ҳамкорга айланиши мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари иштироки-

моқда. Бугун бутун жаҳон терроризм, экстремизм ва трансмиллий жиноятчиликка, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши кураш масалаларида умумий таҳдид ва хатарларга дуч келмоқда. Фақат мавжуд дастурлар доирасидаги ҳамкорликни давом эттириш билан чекланибгина қолмай, киберхавфлар ва экстремизмга қарши курашишга қаратилган янги ташаббусларни ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни тиклаш Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатларининг умумий манфаатларига жавоб беради.

Яна бир муҳим масала иқлим хавфларига биргаликда қарши туришдан иборат. Марказий Осиё қурғоқчилик, музликлар эриши ва сув танқислиги билан юзма-юз келаётган бўлса, Европа аномал иссиқлик, ёнғинлар ва экотизимлар ўзгариши билан тўқнаш келмоқда. Самарқанд саммити доирасида Ўзбекистон “яшил” ривожланиш бўйича минтақавий концепция лойиҳасини тақдим этишни режалаштирган. “ЕИ – Марказий Осиё яшил шериклиги” дастурини ривожлантириш ҳам тақлиф этилмоқда. Сув ресурсларини тежаш соҳасида Европа Иттифоқи билан ирригация инфра-тузилмасини модернизация қилишдан тортиб музликларни биргаликда кузатиш ва илғор сув тежовчи технологияларни жорий этишгача бўлган йўналишларда ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжуд.

“Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” саммитининг тарихий аҳамияти шундаки, Марказий Осиёнинг бешта мамлакат ва Европа Иттифоқи етакчилари биринчи марта бир жойда тўпланди. Ишонамизки, минтақалараро муносабатларни ривожлантиришда янги саҳифа очилиб, кўптомонлама алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариллади. Саммит натижасида сиёсий мулоқот янада чуқурлашади, ҳамкорликка янада тизимли тус берадиган, узок муддатли мақсадларга йўналтирадиган янги механизмлар ишлаб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, Самарқанд саммити Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида барқарор, ўзаро манфаатли шерикликни барпо этиш йўлидаги муҳим қадамга айланади. Бу шериклик умумий манфаатлар, ишонч ва биргаликдаги тараққиётга интилишга асосланади.



“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”

– Ўзбекистонлик аёлларнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини рағбатлантириш, иқтисодини юзга чиқариш, раҳбарлик муваффақиятларини омдалаштириш, мустақил бизнес очиб борадигани жимиймои ташаббусларини қўллаб-қувватлашга кўмак берувчи “Ишбилармон аёл” курик-танловига республикамиз бўйлаб 10-бор старт берилди. О‘зLiDePнинг энг йирик лойиҳаларидан бўлган бу ўзига хос беллашувнинг илк саралаш босқичлари шу кунларда маҳалла-овулларда бошланди. 2016 йилдан бери анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “Ишбилармон аёл” лойиҳасига оид қуйидаги рақамлар кишини хурсанд қилади, – дейди О‘зLiDeP Аёллар муаммоларини ўрганиш ва ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Севара Муслимова. – Ўтган йилларда мазкур танлов доирасидаги 6 500 дан ошдиқ тадбирда 140 мингдан ортиқ иштирокчи қамраб олиниб, уларда 31 мингдан зиёд тадбиркор хотин-қизлар кашф қилинди.

2024 йилдан бошлаб, ушбу лойиҳанинг маҳалла, овулларда ҳам саралаш босқичлари ўтказила бошланди ва натижа кутилганидан юқори бўлди. Олайки, муқаддам лойиҳанинг туман (шаҳар) ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар босқичларида ўртача 10 минг иштирокчи қамраб олинган, 2 мингдан ортиқ тadbirkor хотин-қизлар аниқланиб, фақатгина 14 нафар қатнашчи республика босқичида ўзаро беллашган, холос. Ўтган йили эса 7 мингга яқин маҳалла, овулда саралаш босқичлари ва 200 га яқин туман (шаҳар) босқичларида 15 мингга яқин тadbirkor аёл эътироф этилиб, 60 мингга яқин иштирокчи жалб этилди. 14 та ҳудудий-республика босқичида иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллаганларнинг барчаси танловнинг республика ғолиби, дея эълон қилинди. Айни йилдан иштирокчилар сафини янада кенгайтириш мақсадида ёш авлод вакилларини ҳам жалб этишимиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



ИМТИЁЗ БОР, ИМКОНИЯТ ҲАМ

**Тахиятош тумани
“Дўстлик” МФИда ушбу
танловнинг маҳалла босқичи
бўлиб ўтди.**

– Танловни ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини аёللар ўртасида кенгрок тарғиб қилиш, – дейди O'zLiDeP Тахياتош тумани кенгаши апарат раҳбари Қунаишбай Аймуратов. – Шунинг баробарида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлишни ривожлантиришга муносив хусса қўлаётган хотин-қизларимизни рағбатлантириш ҳам қўз тутилган. Тадбир доирасида республиканинг энг кечка қишлоқлариғача бўлган худудлардаги хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар ўртасида оливалый тадбиркорлишни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга алоҳида аҳамият қартилмоқда.

Танлов доирасида кутказилган йиғилишда аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар хусусида ҳам сўз борди. Айниқса, жорий йилнинг 19 март кўни давлат раҳбари тадбиркорлар



билан мулоқотида соҳада хотин-қизлар учун катта имкониятлар эшигини очганини таъкидлашди.

Саралашда ушбу маҳаллада 2011 йилдан буён тикувчилик билан шуғулланиб келётган якка тартибдаги тадбиркор Гулсинай Атамуратованинг фаолияти ҳайъат аъзолари томонидан юқори баҳоланди. У

ҳозирда “Аёллар дафтари”даги 5 нафар маҳалладошини иш билан таъминлаган.

Ғолибга партиянинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**О‘зЛиDeP Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши
матбуот хизмати**

Хоразм
илоятида мазкур
ўрик-танловнинг
аҳалла босқичлари
рошланди. O'zLiDeP
ўрлан туман
боғидаги масъуллари
авбаҳор
аҳалласида
аҳолият юритаётган
адбиркорлик
ўбъектлари билан
анишдилар.



Ўз навбатида бу ерда меҳнат қилаётган ишбилармонлар ўзларининг бизнес лойиҳалари, томорқа ва деҳқончилик ишларидаги муваффақиятлари, оилаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги натижалари ҳақида маълумот беришлари.

“Гулшан шукрона текс”
МЧЖ раҳбари Шоира Давле-
това ўз иш фаолиятини 2013

йилда бошлаган. Унинг тикув
цеҳида турли либос, парда ва
кўрпалар тайёрланади.

- Дастлаб 4 нафар ходим билан иш бошлаган эдик, бугун улар сони 23 нафарага етди, – дейди Шоира Давлетова.
- Шу йўналишга ихтисослашган касб-хунар коллежлари битирувчиларини жалб қилганмиз. Айниқса, менга 300 миллион сўмлик имтиёзли банк креди-

ти ажратилгани фаолиятимни янада ривожлантиришимга ёрдам берди. Бизнесини бошламоқчи бўлган хотин-қизларга маслаҳатим шуки, қатъият ва ишончни маҳкам тутинг ва астойдил ғайрат қилинг. Ана шунда ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтасиз.

**O'zLiDeP Хоразм вилоят
кенгаши матбуот хизмати**



“Навоий кон-металлургия комбинати”

акциядорлик жамияти жамоаси

барча ватандошларимизни

Рамазон ҳайити билан самимий муборақбод этади!

Хонадонингизни қут-барака, дастурхонингизни

тўкин-сочинлик асло тарк этмасин.

Ҳар кунимиз байрам бўлсин!



Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2025 йил 15 февралдаги 25/2-сон Раёсат мажлиси баёнига мувофиқ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2022 йил 24 март куни 912-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган “Тошкент шаҳар фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши” нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти ТУГАТИЛАДИ. Мазкур қарор бўйича талаб ва таклифлар 2025 йилнинг 3 май санасига қадар ўшбу телефон +998(94) 133-00-45 рақами орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ШАХАР ФЕРМЕР. ДЕХКОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРКА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ



Йўлдош ЭШБЕК:

Халқни адабиёт бошқаради

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Шухрат” медали соҳиби, шоир, таржимон Йўлдош Эшбек билан турли йилларда қатор нашрларда чиққан суҳбатларни ўқиб, ишончим мустаҳкамланди: инсонни дард улғайтирар экан. Шоир фақат шеърларида эмас, кундалик суҳбатларда ҳам Тил, Адабиёт, Ватан, Миллат, Инсон деб қайғуради. Уни ўзининг рўзғори бутлигидан кўра, халқининг қалби тўқлиги кўпроқ ўйлантиради. Иқтибосларга кўз ташлаб, хулосани ўзингиз чиқаринг.

Жон Ватан деймиз, жон ва тан. Қиёсларимизда Ватанни – ибтидоси ва интиҳоси кўринмас бепоёнликни жон билан чегаралагандай, торайтгандай сезамиз. Кенгайиб борамиз: жонга жон Ватан – Жонажон Ватан. Ва ниҳоят, мангулик, абадийлик тимсоли она Ватанни кашф қилгандай бўламиз: Она Ватан!

Хурриятнинг, озодликнинг, юртнинг ҳам икки қаноти – иқтисод ва маънавият бўлса; маънавиятнинг икки қаноти: бири – барча инсоншунослик, иккинчиси адабиётдир!

Мустақилликни қанча шарафласак оз. Бироқ Мустақиллик, айримлар ўйлагандай, бизнинг маддоҳлигимизга муҳтож эмас, балки унга бизнинг фидолигимиз, поклигимиз ва хизматларимиз зарурдир.

Бандаи ожизлигини билган, Яратгандан қўрққан киши жуда ҳам кучлидир. Инсон Тақдир Йўлидан чиқиб, ўзганинг Тақдир Йўлига ўтиб кетолмайди. Ҳамма ўз Тақдир Йўлидан кетади, барча мағлубият ва муваффақиятлар шу йўл ичида кечилади. Инсон тақдирни эмас, тақдир ичида баъзан мағлубият, баъзан муваффақият яратади.

Агар одамда виждон бўлса, бўлганда ҳам улуг бўлса, оғримасдан, ўртанмасдан ҳеч иложи йўқ. Ва ўзга чораси ҳам йўқдир. Ана шу улкан оғриқлар буюк ўртанишлар элни эл, юртни юрт, ватанни обод айлайди. Ана шу оғриқлар ва ўртанишлар икки дунё саодатидир. Булар эса, аввало, виждонда бўлади. Шунинг учун бўлса керакки, валий зотларни, улуг шоирларни халқнинг, миллатнинг виждони деймиз. Улардан ибрат оламиз.

Ҳазрати Фаридуддин Аттор “Тазкират ул-авлиё” асарида ёзади: “Ҳасан Басрий болаликда билмай бир қабиҳ иш қилиб қўйган ва бундан доимо надомат чекар, шу қабоҳатни ёқасига ёзиб қўйган эди.

Ёзувга ҳар гал кўзи тушганда шу қадар йиғлар эдики, ёзув ҳўл бўлиб кетарди”.

Виждон ҳақида бундан ўтказиб, ё бунга баробар айтиш биз учун мушкул. Бундай зоти шарифларнинг муборак маноқибларидан келиб чиққан ҳолда деймизки, виждон – валий, шоир, қаҳрамоннинг титилган кўнгли ёки кўнглининг илма-тешикларидир.

Миллийлик нима? Қисқа жавоб берадиган бўлсак, миллатга хос хусусият. Бу – кийинишда ҳам, қўшиқ айтишда ҳам, адабиётда ҳам акс этади. Адабиётимизнинг ахлоққа, ҳаёга “итоат” этиши унинг энг буюк миллий хислатидир. Адабиётда ҳам, меъморчиликда ҳам, умуман, санъатда миллийлик – жавҳари ибдо, ахлоқ бўлган бадиий маҳоратдир. Албатта, ташқари таъсирини (ёмон таъсирини) қонун йўли билан тўсиш қандай натижаларга олиб келиши ҳақда дангалроқ бир нарса дейишим қийин. Мен бунга адабиёт соҳасидагина эмас, умуман айтаяпман. Бу борада мен онг ва тафаккур бўшлиғи бўлмаслиги тарафдориман. Бу нима дегани? Бу, аввало, эътиқодий барқарорлик дегани. Бу фақат ёшлар учунгина эмас, барча учун, юртимиздаги барча соҳа вакиллари учун энг биринчи асосдир. Бу ҳам билим ва истеъдод билан амалга оширилади. Миллийлик либосдир – у миллат вакилининг ички дунёсини, ахлоқини акс эттиради (муҳтарам муҳаррир, шу жойни қисқартирмасангиз, илтимос).

Шўро даврида ҳам кавказ халқлари ўз исмлари, оталари исми (фамилия) ларини ўзларига хос қўшимчалари билан сақлаб қолодилар. Бу ҳам миллийликка киради. Бу борада ўша даврларда нисбатан катта халқ бўлганимиз учун қаршиликлар ҳам каттироқ бўлган. Шўркки, энди қонунларимиз эркинлигимизни, миллийлигимизни ривожини таъмин этади. Ва талаб ҳам этади. Миллийлик ҳам тўла, комил намоён этиладиган гўзал хислатлардир...

Жаҳон билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ. Лекин эътиқодни мустаҳкамлашнинг иложи бор. Бу соҳа истеъдодларга боғлиқ. Ва эътиқод хусусида мат-

буотда, айниқса, ойнаи жаҳонда кўп суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Чунки элни эл, юртни юрт айлайдиган бу фуқаронинг эътиқодидир. Миллийлик ҳам, умуминсонийлик ҳам эътиқод устида ўсади.

Тафаккур юксак мақомдир. Барча ўқувчи мутафаккир даражасига етмаса-да, ҳар қалай фикрлайди, ёшлар фикрлашга ўрганади, ўйлари микёс касб этади. Умуман, ўқувчи халқни адабиёт бошқаради. Адабиётда шундай яхши маънодаги магик хусусият, яъни сеҳрли таъсир кучи мужассам. Шунинг учун тарихда баъзи, ҳатто шўро замонида ҳам бадиий адабиётни ҳукмдорлар ёқтиришмаган ва жосус, айғоқчи, жаллодларини адиб (шоир, ёзувчи)нинг жуда яқинидан танлашган. Мамлакат эрксизлик зиндонига айлантирилганда, ота-бола, ака-ука бир-бирига сотқинга айлантирилганда, эзгуликка ўрин қолмади деб ўйланганда... ҳатто шундай ўйлаб қолиши ҳам мантиққа зид эмас, лекин умидга тескари.

Барча дарчалар қаттиқ, маҳкам ёпилса-да, бир туйнук милтиллаб қолади. Бу – адабиёт! Умидни шундай оғир дамда, зиндонда уни тарбиялаб, бепоён-буюк эркам элтади. Инсонни, миллатни зиндон бахтиёрига айлантиради. Мен Қодирийни, ўша пайтдаги ўқувчиларни шундай бахтиёрлар дегим келади.

Ҳазрат Навоий ва Қодирий асарларини мутлолаа этар эканмиз, нафақат Ўзбекистонимиз, жонажон Туркистонимиз, Бутун Буюк Турк оламидаги лаҳжаларимиз нақада яқин, кўпинча бир бўлганини кўриб, таърифи мушкул фахр туйғуси чулғаб олади кишини. Оладир дердим, бу “р” Қодирий ва Чўлпонни кўп ўқиганимда содир бўлар, беихтиёр шеър машқларимга ҳам ўтиб қоларди.

Болалигимда бир адабиётчи ҳазрати Навоий “фил”ни “пил” шаклида ишлатганини айтиб, байт ўқиди. “Э, Навоий ҳам ўзимиздан экан-ку”, деб юбордим. Гур кулги кўтарилди. Шевамиз шундай.

Бу кулги мени бугунлар ҳам қувонч, ҳам қайғуга солади. Бу қайғу тил (лар) имиз (Буюк Турк Тили) ўзимиз каби бир-биридан узоқлашгандай бўлса, бу қувонч – буюк шоир ва ёзувчиларимиз ижодида шева ва лаҳжаларимизнинг сақланиб қолганидир.

...кўпқарида баковуллар (раислар, оқсоқоллар) ҳайъати кўпроқ фирромлардан

иборат бўлса, чавандозлар орасидаги фирромларнинг ҳам ошиғи олчидир. Жамиятда ҳам шундай.

... жамият соғайсагина, кучайсагина, шахс ва жамоат ҳаёти обод-озод, эмин-эркин ва фаровон бўлади.

Фирромлардан, баднафслардан “Нафс тузоғидан қутулиб қолдим”, деб ўйловчилар бўлса, эртароқ қувонмасинлар, ҳеч ким билмади, деб ўйламасинлар. Гуноҳларини тунларда, тонгларда тавба суви билан ювишлари керак бўлади. Йўқса, қутулдим деб гумон қилган пайтда нафс тузоғининг ўртасида бўладилар.

Адабиёт осмондан буюк инсоният (кўнгли)ни бошқаради. Қўрқитиб бошқарувчи тизимлар бўлган, бироқ муваққат. Чунки халқ ва адабиёт буюқдир.

Ким билмайди, дейсиз, капалак саккиз соат, қарға минг йил яшайди. Хўп, қарға минг йил яшасин, бироқ ундан одамларга не наф бор? Капалак саккиз соат яшаса ҳам, одамларнинг кўзини қувонтиради. Минг йил яшаб гўнг титгандан кўра, ярим кун яшаб одамларга завқ улашиш, ҳайратлантириш, гўзалликка ошурф-та қилиш афзал эмасми?!

Тил – муҳим ахлоқий мезон. Ўз тилини билмаганлар эса кўркисиз кишилардир. Тилни бундай балолардан жонли тилга яқин бадиий асарлар қутқаради. Юксак бадиий асарлар нафақат тил гўзаллигини ярақлатиб очиб юборади, балки ҳамма соҳаларга, ҳамма жараёнларга ижобий таъсир ўтказиши. Одамлар ўзи учун қийин бўлган ҳолатларда қўшиқ қўйлайдилар, шеър айтадилар, бадиий қаҳрамонларга тақлид қиладилар.

Адабиётни севиш керак. Адабиётни севамаган одамнинг тиззаси букилиб кетади. Адабиёт инсонга куч беради, руҳ беради. Адабиётни севиш ғалабани таъминлайдиган энг катта омил. Адабиёт дегани Ватаннинг, миллатнинг бошқа бир гўзал исми, тўғриси, онасидир. Адабиёт миллатни туғади. Адабиёт билан тўйинмаган қавм миллат даражасига кўтарила олмайди. Биласиз, адабиёти буюк халқларнинг давлати ҳам буюқдир.

Фаррух ЖАББОРОВ саралади.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ijtimoiy-siyosiy gazetasi
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 445
Адади: 5734
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 21.10

Тахририятга келган кўлөзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ